

Навбатдаги XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлади

“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ” мавзусидаги анъанавий XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманининг очилишига 2019 йил 28 март куни старт берилди. Анжуманни очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар иштирок этди. Анжуманни ялпи мажлисида ёш олимлар, талаба ва магистрантлар томонидан 6 та илмий-тадқиқот ишларининг тақдими бўлиб ўтди. Анжуман ўз иш фаолиятини 11 та шўба бўйича дастурда белгиланган аудитория ва залларда 28-29-30 март ҳамда 1-апрель кунлари давом эттиради.



**Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими методисти
З.Темирова**